

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Son 2. Jild 4.

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2(4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна
 ЎЗБЕК ВА ТОЖИК АНЪНАВИЙ ТАОМЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АКС
 ЭТИШИ (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 10-15

Umarov Sardor Yakubovich
 QAYTA BIRLASHGAN GERMANIYADA MEHNAT BOZORINI ISLOH QILISH, AHOLI BANDLIGI,
 DEMOGRAFIK O'ZGARISHLAR 16-20

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Shadiyeva Gulnora Mardiyevna
 O'ZBEKİSTONDA EKSPORTNING OSHISHINING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIR ETISH
 YO'LLARI 21-29

Халилдинов Азизбек Абдуқаҳхоровиҷ
 КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
 БОШҚАРИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР 30-34

Мавлянов Мажид, Урдушев Ҳамракуլ
 КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ: ЧОРВАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ 35-45

Асроров Азизбек Исомиддин угли
 ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПРИРОДА РИСКОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
 КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ 46-52

Xaydarova Durdona Shuxratjon qizi, Achilboyeva Sevinch O'tkir qizi
 MAHALLIY BUDJET DAROMADLARI HISOBI TASHKIL ETISHNING NAZARIY JIHATLARI. 53-60

Камалов Ақмал Сайдакбаровиҷ
 ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЭҲТИМОЛЛИГИНИНГ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲСИРИНИ БАҲОЛАШ
 УСЛУБИЯТИ ИШЛАБ ЧИҚИШ 61-68

Namazov Gafur Shokulovich
 IQTISODIYOTDA GIBRID MODELLARNI QO'LLASH 69-75

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Rasulov Azizkhon Mukhammadqodirovich
 YANGI O'ZBEKİSTONDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING TIZIMLI O'ZGARISHI 76-81

Kadirova Ziyoda Rahimjanovna
 ISLOM FALSAFASIDA ILM TUSHUNCHASINING MOHIYATI 82-86

Turdiyev Bexruz Sobirovich
 JAMIYAT IDEOSFERASINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI 87-92

Alimatova Nargis Abdusalilovna
 KONSTITUTSIYADA HALOL RAQOBAT KAFOLATI 93-98

Abdullahayev Ibodulla Abdullayevich, Mustafoyeva Feruza Xurshid qizi
 MA'NAVIYAT – YANGI O'ZBEKİSTON TARAQQIYOTINING MUHIM POYDEVORIDIR..... 99-103

<i>Кувандиков Шокир Облоқулович</i>	
МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ-МАҶНАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙИ ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ	104-111
<i>Yusupaliyev Orzimurod Odilovich</i>	
YOSHLAR MAFKURAVIY ONGI TRANSFORMATSIYALASHUVINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI: MUAMMO VA YECHIMLAR	112-119
<i>Eshonqulov Laziz Norqobul o'g'li</i>	
BADIY MUHITDA TANQIDIYLIK VA SATIRANING TABIIY KOMMUNIKATSIYASI	120-125
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Saitova Nilufar Djumaydillayevna</i>	
YOSH O'ZBEK SHOIRLARI: VOQELIKNI IDROK ETISH VA UNI BADIY IFODALASH TENDENSIYALARI	126-130
<i>Nurmanov Furqat Xayitqulovich</i>	
O'G'UZ" ETNONIMI VA O'G'UZLAR	131-137
<i>Qudratova Sitora Olimovna</i>	
AQSH HIKOYACHILIGI TARIXI VA SPETSIFIKASINING BADIY IFODASI HAMDA JANR IJODKORLARI.....	138-148
<i>Fayziyeva Aziza Anvarovna, Safarova Nigora Axatovna</i>	
METAFORALARNING O'ZBEKCHA TARJIMASIGA KOGNITIV YONDASHUV	149-153
<i>Qodirova Madinabonus Murodjon qizi</i>	
LINGVISTIK TA'MINOT VOSITALARI: TUZILISHI VA TARKIBI	154-159
<i>Аллабердиева Регина, Мадалов Навруз</i>	
ТАКСОНОМИЯ ГЕНДЕРНО-МАРКИРОВАННЫХ ПАРЕМИЙ - РЕГУЛЯТИВОВ АНГЛИЙСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ	160-165
<i>Azimova Aziza Alisher qizi</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKALARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSUYATLARI	166-172
<i>Shoymardonov Ilhom Alixonovich</i>	
BAHOR, YOZ, KUZ MAVSUMLARI BILAN BOG'LIQ BOLALAR QO'SHIQLARI	173-178
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloyevna</i>	
SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI....	179-184
<i>Mirzayev Jasur, Madalov Navruz</i>	
THE DIALOGIC NATURE OF PERSONIFICATION IN THE POETICS OF WILLIAM BLAKE	185-190
<i>Yuan Xiaowei</i>	
ON THE TITLE AND LEXICAL FEATURES OF THE WINTER OLYMPICS NEWS REPORT IN CHINA DAILY	191-197
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Ражабов Нариман Шарифбаевич</i>	
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОБРОВОЛЬНОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	198-206
<i>Yakubova Iroda Bahramovna</i>	
MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA MUALLIFLIK	

HUQUQI OBYEKTALARIDAN FOYDALANUVCHI SHAXSLAR O'RTASIDAGI SHARTNOMALAR TASNIFI..... 207-212

Inoyatov Behruzjon Umidjon o'g'li

TOVAR BELGILARINING HUQUQIY JIHATDAN MUHOFAZA QILISHNI TARTIBGA SOLUVCHI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI 213-220

Раимова Шохсанам Ғайратжоновна

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАННИГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ 221-227

Mukumov Bobur

CURRENT ISSUES OF IMPROVING THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY AT THE INTERNATIONAL LEVEL..... 228-234

Нодирахон Абдурахманова

ВЛИЯНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БЛОКЧЕЙН, СМАРТ-КОНТРАКТОВ И КРИПТОВАЛЮТ НА РАЗВИТИЕ ПРАВА..... 235-239

Акмалхонов Боситхон Азизхон ўғли

ЗАЩИТА ПРАВА ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ПРАКТИКЕ ЕВРОПЕЙСКОГО СУДА ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА..... 240-246

Turakulova Nazira

MUALLIFLIK HUQUQIDA MULKIY HUQUQLARNI JAMOVIY BOSHQARISH 247-260

Якубов Бекзод Эркинбаевич

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОЛЛАРДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ..... 261-265

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Mamajonov Xoshimjon Abdumalikovich

FIZIKA FANINI IJODIY O'ZLASHTIRISH YO'LLARI (AKADEMIK LITSEYLAR MISOLIDA) 266-271

Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna

O'ZBEKİSTON OLİY O'QUV YURTЛАRIDA İSPAN TİLİ BO'YICHA İJTİMOİY-MADANIY KOMPETENTLİKNI O'QITISH STRATEGİYASINI ISHLAB CHIQISH 272-281

Haqberdiyev Baxtiyor Rustamovich

TASVIRIY SAN'AT VA MUHANDISLIK GRAFIKASI FANLARINI BOSHQA FANLAR BILAN INTEGRATSIYASI..... 282-287

Jumayev Xushboq Soatmumin o'g'li

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILAR XOTIRASINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI 288-291

Omonqulov Ulug'bek Maxsiddin o'g'li

IQTIDORLI O'QUVCHILAR BILAN ISHLASH METODIKASI..... 292-296

Jumaboev Nabi Pardaboevich

THE NEED TO USE AESTHETIC VIEWS OF EASTERN THINKERS IN THE EDUCATIONAL SYSTEM 297-304

Kayumov Erkin Kazakbayevich

TASVIRIY SAN'ATNING O'QUVCHILAR IDROKI VA IJODKORLIGINI SHAKLLANTIRISHDAGI ROLI 305-310

<i>Yusupova Feruza Hajiboyevna, Gaipova Nilufar Jasurbekovna</i> MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNG EKOLOGIK TA'LIM BERISHDA GRAFIK ORGANAYZERLARNING ROLI	311-317
<i>Karshiboyeva Dilafruz Boxodirovna</i> SOMONIYLAR DAVRI SAN'ATI VA UNING JAHON TARIXIDAGI ROLI.....	318-322

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна

Термиз давлат университети доценти, тарих фанлари доктори
e-mail: fayzullayeva.mavlyuda@mail.ru

ЎЗБЕК ВА ТОЖИҚ АНЪЯНАВИЙ ТАОМЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Аннотация. Мақолада маданий этнографик макон ҳисобланган Сурхондарё воҳаси ўзбек ва тожик анъянавий таомларида этномаданий алоқаларнинг акс этиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: таомлар, тановул, этнография, дастурхон, этикет, маданият, анъана.

Fayzullaeva Mavluda Khamzaevna

Associate Professor, Termez State University,
Doctor of Historical Sciences

REFLECTION OF ETHNOCULTURAL RELATIONS IN UZBEK AND TAJIK TRADITIONAL DISHES (ON THE EXAMPLE OF SURKHAN OASIS)

Abstract. The article talks about the reflection of ethnocultural ties in the traditional dishes of the Uzbek and Tajik peoples of the Surkhandarya oasis, which is considered a cultural and ethnographic space.

Key words: food, dining, ethnography, table, etiquette, culture, tradition.

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна

доцент Термезского государственного университета,
доктор исторических наук

ОТРАЖЕНИЕ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ В УЗБЕКСКИХ И ТАДЖИКСКИХ ТРАДИЦИОННЫХ БЛЮДАХ (НА ПРИМЕРЕ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА)

Аннотация. В статье говорится об отражении этнокультурных связей в традиционных блюдах узбекских и таджикских народов Сурхандарьинского оазиса, который считается культурно-этнографическим пространством.

Ключевые слова: еда, столовая, этнография, стол, этикет, культура, традиция.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I2Y2024N01>

Кириш. Ўзбек пазандалиги кўп асрлик тарихга эга бўлиб, унда халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, меҳнат фаолияти тури ва иқлим шароитлари ўз аксини топган. Ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги, катталарга нисбатан ҳурмат, бошқа халқларнинг, шу жумладан тожик, туркман, қирғиз, татар, қозоқ, қорақалпок, рус, украин, арман,

озарбайжон каби халқларнинг анъаналари ва маданиятини эътироф этиши билан ажралиб туради [1].

Умумўзбек таомлари жуда турли-туман бўлганидек, Сурхон воҳаси таомлари ҳам ранг-барангдир. Бугунги кунда ўзбек миллий таомлар ошхонасида иштаҳани очиш учун иштаҳаочар, хушбўй зираворлар кенг қўлланилмоқда. Инсоният тарихида одамлар ҳар доим заминга нисбатан егулик маҳсулотлари билан таъминловчи манба сифатида қараган. Воҳа миллий таомлари ҳам айнан мана шундай замин озиқлантириб турган маҳсулотлардан иборат бўлиб, бу борада аждодлардан қолган кўп билим ва тажрибаларга таянилади. Бу борада воҳа аҳолиси шифобахш таомлари, шарқона меҳмондўстлик, аждодлар руҳига атаб ис чиқариш каби урф-одат ва маросимлар халқимиз қон-қонига чуқур сингиб кетган.

Методология. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари каби Сурхондарёда ҳам руслар, тоҷиклар, туркманлар, оз миқдорда қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар, корейслар, афғонлар ва бошқа кўплаб миллат вакиллари яшайди. Шу боис воҳа аҳолиси ошхонаси турли хил ошхоналарнинг аралашмасидан ташкил топган десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда кўп аҳоли вакиллари шаҳар ва қишлоқларда яшасалар-да, ўтмиш моддий маданиятининг таркибий қисмини акс эттирувчи анъанавий таомлар ҳам кўп сақланиб қолган.

Сурхон воҳаси аҳолиси турли этник гуруҳлардан таркиб топганлиги туфайли таомларида ҳам бу нарса акс этиб, ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолган. Жумладан, ўзбеклар бошқа миллат вакиллари – тоҷик ва туркманлар билан ёндош яшайди. Масалан, воҳа туркманлари: *нонқорма* (*доғрама*), *ишлики* (*ҳасин*), *қоплама* (*гўштли нон*) каби таомларни тайёрлаган бўлса, тоҷик миллатига мансуб аҳоли: *мастоба*, *роба ош*, *қўноғи ош*, *шунғилла*, *ширбиринч*, *гунгунадандон*, *делида*, *ширкади*, *молида*, *қуртоба* каби таомларни тайёрлаган.

Сурхон воҳасида яшовчи ўзбек ва тоҷик таомларининг тайёрланиш жараёни ҳамда масаллиқ танлаш услублари деярли бир хил. Ўзбек ва тоҷик таомларининг ўхшашлигига сабаб, бу икки халқнинг ҳудудий жойлашуви билан боғлиқ. Ўзбек ва тоҷик халқлари қадимдан бир ҳудудда, бир хил ижтимоий тузумда яшаб, ўзаро маданий ҳамда савдо-сотиқ муносабатларида бўлган. Бундай омиллар *нон*, *сомса*, *палов*, *шўрва*, *яхна*, *мошхўрда*, *мошкичири* каби таомларда ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида қатиқ меҳмонлар олдига кўйиладиган доимий таомлардан бири ҳисобланади. У уй эгасининг меҳмонга нисбатан кўнгли очиқлиги рамзидир. Чакки (сузма қатиқ) номи - форс-тоҷик тилидаги чак – томчи сўзидан олинган (Уйда чакоб ҳам қолмабди. Уйда ейишга ҳеч нима қолмаганда, рўзфор учун бозорлик қилиш керак бўлганда халқ орасида шу ибора ишлатилади. Чакоб – қатиқ ёки айронни сузма қатиқ қилиш учун сузиб қўйилганда, охирига келиб зардоби чак-чак қилиб томиб қолади. Бу сузма ҳолига келди, тайёр бўлди, суви ҳам қолмади, охирлаб қолди дегани. Уйда чакоб ҳам қолмади – уйда ҳаттоки сузма қатиқнинг зардоби ҳам қолмади, суви ҳам йўқ маъноларида келади.) [11]. Чакки - қорақалпоқларда *шекийде*, *чекийде*, туркманларда *чекизе* шаклида қўлланилади [5]. Сурхон воҳасида эса чакки, қатиқ, сузма ва бошқа номларда ҳам юритилади. Қатиқ сутдан тайёрланадиган маҳсулот бўлиб, қатиқ, сузма, чакки билан боғлиқ маросим ва байрамларни бошқа халқларда ҳам

қўриш мумкин. Масалан, тибет халқларида ёз мавсуми тугаганда қатиқ байрамига атаб театр томошалари намойиш қилинган [6].

Мұҳокама. Умумўзбек таомлари каби Сурхон воҳасида ҳам ўзига хос аҳоли таомномаси шаклланганки, таомлар билан боғлиқ анъана, урф-одат ва маросимлар таом номлари, тайёрланиши, таркиби ҳамда тановул қилишнинг локал хусусиятларини тадқиқ этиш янада долзарбдир. Қадимги туркий қўлёзма манбаларда *нон* – этмак, ўтмак шаклларида учрайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *нон* - форс-тожикча сўз деб берилади [8]. Ўзбек ва тожик халқларининг қўшни бўлиб яшаши, иқтисодий-маданий алоқалари, тожик ва форс тилларида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги сабаб, *нон* сўзи фаол қўлланилган.

Воҳада қуюқ овқатлар сирасига кирадиган энг улуғвор ва дастурхон кўрки саналадиган таомлардан гўштили таомларни келтириб ўтиш мумкин. Гўшт сўзи форс тожик тилидан ўзлашган бўлиб, туркий тилда уни “эт” дейилган. Ўзбек миллий таомларини тайёрлашда азалдан турли хил гўшт, ўсимлик, сут маҳсулотлари кенг миқёсда ишлатилиб келинган. Шунинг учун ҳам ўзбек пазандачилигида гўшт билан тайёрланадиган таомлар кенг ўрин эгаллади. Шу боис, ҳар бир даврада Сурхондарё воҳаси дейилганда, доимо “Сизларда гўшт роса кўп, айниқса, таомларини айтмаса ҳам бўлади”, деб эслашади. Бундан ташқари, воҳа аҳолиси орасида гўштили таомлардан *кабоб*, *қайнатма шўрва*, *қовурма*, *димлама*, *буғлама*, *каллапойча*, *чўпонча*, *тандир гўшт*, *юмшоқ гўшт* севиб истеъмол қилинган [12]. Сурхон воҳасининг гўштили таомларига эътибор қилинса, гўштнинг кўпроқ фақат ўзини, соф ҳолда пиширилиб, истеъмол қилинишига ўч бўлишини англаш мумкин. Бу ҳам таом тайёрлашда воҳанинг ўзига хослигини кўрсатади.

Масалан, соф ҳолда истеъмол қилинадиган тандир гўшти XX аср охирларига келиб, нафақат Сурхондарёда, балки ўзбек миллий ошхонасининг энг тансиқ таомларидан бирига айланди. Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, мамлакат нуфузини ошириш ва у ҳақида яхши тассаввурга эга бўлишда анъанавий таомлар жуда кўп ижобий ҳисса қўшади. Бугунги кунда ЮНЕСКО рўйхатига Франция, Мексика, Япония, Ўрта ер денгизи (Марокаш, Италия, Россия, Испания, Греция) (баъзи мамлакатларнинг анъанавий таомлари ва байрам маросимларини ҳисобга олмагандан) каби мамлакатларнинг ошхоналари киритилган.

Яхна таомлар сирасига гўшт пиширилиб совитилгандан кейин яхна тарзида истеъмол қилинадиган таомлар киради. Яхна - форс-тожик тилидан олинган бўлиб, совитилган маъносини англатади. Яхна гўшт кўпроқ тўй дастурхонига тортилиб, яқин ўтмишда ҳам тўй қилаётган одамга яқинлари бир қўйни гўштини яхлитлигича қайнатиб, пишириб, совғага (совун қилиб) олиб боришарди [13]. Бугунги кунда тўй қилаётган одамнинг яқинлари яхна гўштнинг ўрнига бир қўйнинг гўштини “тандир” қилдириб, совғага олиб боришни афзал қўрадилар. Баъзилар яхна таомлар қуюқ таомлар сирасига кирадиган гўштили таомлар-ку, дейиши табиий. Таъкидлаш жоизки, яхна таомлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган ўзига хос маҳаллий таом бўлиб, унинг тайёрланиши ҳам ўзгача бўлади. Олиб борилган дала амалиёти давомида аҳолининг бу таомга фақатгина яхна таоми деган муносабати ҳам фикримиз далилидир.

Баҳор ва ёзда тоғ олди қишлоқларида кўп тайёрланадиган, баҳор неъматларидан коврак ҳам солинадиган таом қуртобани тайёрлаш учун дастлаб шакароб тайёрланади, кейин катта ёғоч лаганга кулча ёки патир тўғралиб, патирнинг усти тўлиқ ёпилгунча қатиқ қўшиб тайёрлаб қўйилган шакароб солинаверади. Зифир ёғи қиздирилиб, шакароб устидан солинади ва тайёр таом устидан мурч сепилади. Бу таомни кўпроқ воҳа тожиклари хуш қўриб, ҳозиргача тайёрлаб, истеъмол қилишади [14]. Куртоба ҳозирда тожик миллий таоми ҳисобланади, лекин унинг келиб чиқиши туркий қабилаларга бориб тақалади: қўчманчилар сузмани юмaloқlab, қurитиб олиб юрган (“қурут” сўзи ана шундан), чанқаганда қурутларни сувда ивитиб ичишган, бу даштдаги жазирамадан асраган. Куртоба сўзи иккита компонентдан иборат: ўзбекча “қурут” – “қурутилган сузма, қурут” ва тожикча “об” – “сув”. Шунингдек, баъзи жойларда “кашкоб” дейилади (тожикча “кашк” – “қурут”), дейди тилшунос Э.Асанов¹. Илгари иштаҳа очар хушхўр таом қуртоба (қуртава) асосан қишида қурутдан тайёрланган [4]. Бу таомни тайёрлаш учун қурут тол товоқда иссиқ сувга ивитиб қўйилган. Сўнгра у қошиқ билан эзилган ва иссиқ сув қуишиб, атала ҳолига келгандан кейин қозонга солиб қайнатилган. Қайнаб чиққан таом оловдан олиниб, устига куйдирилган сариёф қуишиб қўйилган ва дастурхонга тортилган. Қуртавага туз солинмаган чунки қурутнинг тузи етарли бўлган. Марказий Осиё халқлари ҳам шу усулда қурутдан таом тайёрлашган [7]. Қурутнинг эзилмай қолган майда-майда (чигитдай) бўлаклари чўплик деб аталиб, уни болалар дўпписига солиб шимиб юрган. Қуртава таоми воҳада “куёв чақирди” маросимида қудаларга сарпо кийдирилгандан сўнг, косаларга сузиб меҳмонларга қўйилган [13].

Натижা. Кундалик турмушда сутли таомлар мустаҳкам ўринга эга. Сигир бузоқлагандан сўнг, уч кунгача сариғи аримаган қуюқ сут соғиб олинган. Бундай сут воҳа ўзбекларида увуз, овуз, оғиз, қатрон, қотирма, воҳа тожикларида фала деб аталади [2]. Дастлаб оғиз сути соғиб олиниб, унга бир пиёла оддий сут қўшилиб, қозонга солинган ва паст оловда пиширилган. Қатроннинг бир томони қизаргандан сўнг, иккинчи томони ағдариб пиширилган. Бу тезпишар таом оиласи жам бўлиб, сигирнинг сутига барака тилаб ейилган. Ундан қўни-қўшниларга ҳам улашилган. Қўшнилар эса “сигирингиз сути баракали бўлсин, оқлигингиз мўл бўлсин ва узилмасин”, – деб идиш ичига туз ва ун солиб қайтаришган [13]. Бундай урф-одатлар барча туркий халқларда ҳам бўлиб, оғиз сутидан уйз таоми тайёрланган [3].

Оғиз сути оддий сутга айлангунча, ундан тайёрланган иккинчи таом воҳа ўзбекларида гилагай, келагай, воҳа тожикларида далама деб аталган [8]. Ҳар ким ҳам тайёрлай олмайдиган ўзига хос тайёрлаш услубига эга бўлган, ноёб таом гилагайни воҳада ёши катта момолар тайёрлашади. Янги бузоқлаган сигир сути то беш кунгача сут қилинмайди, пишириб қатиқ ҳам қилинмайди. Уни момолар паст оловда, оғиз сути билан оддий сут тенг миқдорда солиниб, оловни бир меъёрда пастроқ қилиб пиширган ва тинмай шопириб турилган, акс ҳолда ириб ёки куйиб кетиши мумкин бўлган. Таом пишгандан кейин оқ-сариқ рангдаги, қошиқ билан қўтарса сал чўзиладиган мазали таом гилагай тайёр бўлган. Ўта оқсил ва кальцийга бой севимли таомлардан биридир. Чунки оиласи сигир ҳар доим ҳам бузоқлайвермайди. Бугунги қунда кўп хонадонларда пиширишни билмаганлари учун янги бузоқлаган сигир сутини нон қилаётганда хамирга қўшиб юборишяпти ёки бузоқнинг ўзига қўйиб беришади. Деновнинг баъзи

¹ Қурутоб / <https://t.me/AsanovEldar>

қишлоқларида янги бузоқлаган сигирни соғмай, елинининг шиши қайтгунча ёғ билан силаб туришади. Бузоқча 30-40 кунлик бўлгунча сутга тўйиб, тез ривожланади. У жуда тез катта бўлиб, кейинчалик яхши насл беради [15]. Бойсун тумани қишлоқларида эса овузни - қағаноқ деб атайдилар [16]. Бу таомни ҳар доим ҳам тайёрлаш имкони йўқ, чунки таомни тайёрлаш учун фақат янги туққан сигир сути бўлиши керак. Ушбу фойдали таом қариялар ва болаларга берилади.

Яна бир жуда хушхўр, тўқтутар, асосан қариялар ва болалар учун қилинадиган, тиши йўқ, ошқозони заиф қарияларга қувват бўладиган, Рамазон ойида ҳам тўқтутар бўлгани учун тайёрланиш анъанаси сақланиб қолган таом жашмишидир. Куйдириб олинган сариёғдан янчимич, жанчмиш, жашмиш, жачмич (янчиш сўзидан келиб чиқсан) тайёрлаш учун ҳар сафар тандирга иссиқ нон ёпиб олинганда, товоққа иссиқ нон тўғралиб, устидан бир пиёлача сариёғ (куви сариёғи ҳам бўлади) солинади (сариёғ нонга қараб солинади, яъни нон кўп бўлса кўпроқ, камроқ бўлса камроқ сариёғ солинади) ва яхшилаб уқаланади. Еган сари егиси келадиган бу таомни Сариосиё тумани тожикларида молида деб аталади [17]. Молида қилиш анъанаси воҳанинг шимолий туманлари тожикларида ҳозиргacha ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айрим тожик оиласларида эса молидани ёзда қовун билан ейдилар [17]. Воҳада қадимдан ўзбеклар билан бирга тожиклар ҳам яшагани учун таомлари ҳам деярли бир хил. Сурхон воҳасининг Жарқўрғон туманида яшайдиган ўзбек ахборотчиларнинг болалик даврларини эслашига қараганда, худди шундай қовун қўшилган таомни еганликларини хотирлайдилар [18].

Хуласа. Хуллас, тановул маданияти ҳар бир халқнинг асосий анъаналаридан бири ҳисобланадива асрлар давомида шаклланиб ҳамда такомиллашиб боради. Шунинг учун бўлса керак, масалан, палов ўзбек ёки тожик халқи учун дунёда энг мазали таом ҳисобланади. Бу ўзига хослик нафақат табиий, ижтимоий-иқтисодий, балки қадимдан этномаданий алоқаларнинг умумийлиги билан ҳам характерланади. Бу шундан далолат берадики, узоқ йиллар давомида Ўрта Осиё худудидаги халқларнинг бирга яшаб, ўзаро бўлган алоқалари таом турларининг қўпайишига ҳам олиб келган.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Асланова Д., Худойшукуров Т., Мўминов Н. Дунё халқлари овқатланишининг ўзига хос хусусиятлари. – Самарқанд, 2009.
2. Андреев М.С. Таджики долины Хуф (верховья Аму-Дарьи). – Сталинабад: АН Таджик. ССР, 1958. Вып. 11. – 524 с.
3. Аргынбаев Х. Народные обычаи и поверья казахов связанные со скотоводством // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1975. – С. 194-205.
4. Кармышева Б.Х. Традиционные формы бытового уклада в конце XIX – начале XX в. // Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. – С. 120.
5. Худаярова М.Т. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили (Қорақалпоғистон худуди материаллари асосида). Номзодлик диссертацияси кўлёзмаси. - Тошкент. 2009. – Б. 55-57.
6. Театрализованные представления Праздника кислого молока // Календарные обычаи и обряды народов Восточной Азии: Годовой цикл. Отв. ред. Джарылгасинова Р.Ш., Крюков М.В. – М.: Наука, 1989. – С. 290-295.

7. Центральная Азия // Этнография питания народов стран зарубежной Азии: Опыт сравнительной типологии. – М.: Наука, 1981. – 255 с.
8. Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент, 1972. – С. 96-118.
9. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, III жилд, 2007. – Б. 57.
10. Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши).: Номзодлик диссертацияси қўллөзмаси. – Тошкент, 1994. – 158 б.
11. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани, Хитой қишлоғи. 2019 йил.
12. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани, Хатак қишлоғи. 2018 йил.
13. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани, Хомкон қишлоғи. 2012 йил.
14. Дала ёзувлари. Денов тумани, Юрчи маҳалласи. 2019 йил.
15. Дала ёзувлари. Денов тумани, Себзор маҳалласи. 2019 йил.
16. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Бойсун тумани, Пулҳоким қишлоғи. 2019 йил.
17. Дала ёзувлари. Сариосиё тумани, Шерози маҳалласи. 2020 йил.
18. Дала ёзувлари. Жарқўрғон тумани, Сурхон жамоа хўжалиги. 2018 йил.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).